

Юртимизда номлари тарихий шахсларнинг исмлари билан боғлиқ машхур қадамжолар, масжид ва кабрстонлар кўп. Жумладан, Тошкент шаҳри Хамза туманида жойлашган "Пул емас ота" кабристони ва масжидидир. Ушбу номни эшитган ёки бу ерга илк бор келган кишини "Пул емас ота"нинг ким бўлгани ва нима сабабдан бундай таърифланиши кизиқтириши табиий. Қадимий "Пул емас ота" кабристони ёнида 1992 йили барпо этилган масжид биносини кенгайтириб қуриш хақидаги янгиликни эшитиб, масжид ҳудудидаги жамоат ахлининг қувончи чексиз. Биз ҳам уларнинг хурсандчилигига шерик бўлиш мақсадида маҳалла оксоқоли, имом-хатиб ва "Пул емас ота" хақида билимга эга олимларнинг фикрини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Хайрулло Тогаев ("Пул емас ота" масжиди имом хатиби):

"Масжидга биринчи марта келган киши унинг номи билан кизиқади. Мен уларга оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ушбу ривоятни айтиб бераман: "Бундан беш-олти асрлар олдин ушбу ҳудуддан ўн уч киши ҳаж ибодатини бажариш учун йўлга чиқишган. Нихоят етти ой деганда ҳаж сафаридан бир кишигина соғ-омон уйга қайтган. Ундан қолганлар хақида сўрашганида, ҳаждан қайтишимизда йўлда очлик бизни қийнади. Ёйишга бирон нарсамиз қолмаган. Кимсасиз биёбонда бир фил боласини учратдик. Шерикларим очликдан ўлгандан кўра, фил боласини сўйиб ёйишни афзал билди. Мен эса емадим, дарахт издизларини қовлаб топиб еб жон сақладим. Орадан уч кун ўтгач, ордимиздан она фил етиб келди. Шерикларимни ўлдирди, мени қайта-қайта хидлаб кўрдию, зарар етқизмади. У биз сўйган филнинг онаси эди. Боласини ким еганини хидидан ажратар экан, деб жавоб берган эканлар. Шундан сўнг ерлик аҳоли фил боласини емай, ҳаждан соғ-омон қайтган ушбу валисифат кишининг исмини айтмай, "Фил емас ота" дея таърифлашган. У зот ҳаждан қайтганидан сўнг бир чиллаҳона қуриб, ибодат билан машғул бўлган. Шогирдлари шу ерда дехқончилик қилишган. Йўловчи мусофирлар эҳтиёжига мева-сабзовот сўрашса, улардан пул олмай, шундайлигича ҳадя қилар экан. Одамлар орасида "Пул емас ота" номи билан танилган бу кишини халқ "Пул олмас ота", деб ҳам таърифлай бошлаган. Кейинчалик халқ оғзида бу гап "Пул емас ота" бўлиб кетган".

Биз масжидни ҳашар йўли билан қайта қурмокчи бўлиб, раҳбариятдан рухсат сўраганимизда, ушбу ҳудуд 10-12 асрларга оид археологик ёдгорликлар жойлашган ўрин бўлиб, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси рўйхатида туради, улар билан маслаҳатлашиш зарур, дейишди. Шундан маълум, бу ер кўп йиллик тарихга эга жойдир. Холбуки, ўрта асрларга оид топилмалар хақидаги маълумотлар кўплаб тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган. Бирок мўғиллар истилоси давридаги 10-12 асрлардаги ёдгорликлар кўпам сақлаиб қолмаган, борлари ҳам қиска, аниқ маълумотларни йўқ қилиб ташланган. Балки бу зот хақидаги маълумотлар ҳам босқинчилар томонидан йўқ қилинган бўлиши мумкин.

Суюндик Мустафоев (тарихшунос олим):

"Пул емас ота" Тошкент шаҳридаги эътиборли зиёратгоҳлардан биридир. У ерга хануз ихлосманд зиёратчилар ҳатто Чимкент ва Ўш шаҳарларидан ҳам келиб туришади. Қадимшуносларнинг тадқиқотлари ҳулосасига кўра, бундан қарийиб беш-олти аср олдин ҳам "Пул емас ота" мавзесида одамлар яшаган, бироқ кимлар маскан тутгани номаълум. Кўплаб тарихий асарларда "Пул емас ота" деган жой номи қелтирилади. Жумладан,

“Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Юнусхўжа ўн сақизинчи аср охирларида, санжикли, кирк, киёт, турк ва кангли уруглари ёрдамида хокимиятни кўлга киритгани, галабадан сўнг уларга шаҳар атрофидаги ерларни бўлиб бергани айтилади. Шунда Юнусхон мадрасаси Юнусхон мазорига вақф қилинган ерлардан тушган даромад хисобига фаолият юритиши ва мадрасанинг Алаччахон (Султон Аҳмаджон, 1485-1502 йилларда Шаркий Мўғилистон хони) муҳри босилган вақфномаси бўлгани, мазор ва мадрасанинг Салор ариги кун чиқар томонида жойлашган “Пул емас ота” мавзеда ҳам вақф ери бор эди, дея қайд этилади. 1884 йилги ҳужжатларда ҳам ушбу вақф қайд этилиб, Ниёзбек волостининг Пул емас мавзеси, деб кўрсатилади. Ушбу фактларга суяниб, Пул емас ота Юнусхоннинг муридларидан бири бўлган, у ушбу вақф ерларида меҳнат қилиб, тарикат сулуқини давом эттирган, дея тахмин қилувчилар ҳам йўқ эмас. Аммо “Пул емас” ота мавзеси қадимдан борлиги, у зотнинг ҳаёти хақидаги маълумотлар бизгача етиб келмагани олти-етти аср олдин яшаган деган тахминларни келтириб чиқаради.

Маъруфов Абдулатиф хожи (88 ёшли отахон):

Биз Кўкча даҳаси томондан бу ерга кўчиб келганимизда мен ёш бола эдим. Хар-хар жойда яқкам-дуккам овул бор эди. Ўшанда ушбу қабристонга энди майитлар қўйила бошлаган. Раҳматли дадамлар, бу жой қадимда ҳам қабристон бўлган. Ботин бўлиб кетгач, буниси тўртинчи ё бешинчи марта қайтадан одам қўйилишидир. Бу ерлар валийларнинг қадами теккан қутлуг жойлар, деб айтган эдилар. Ўша пайтларни эсласам, дунёнинг шунчалик тез ўтганидан дилим вайрон бўлади. Ҳозирги масжид ўрнида бир кичик хонакоҳ бўлиб, биз урушдан кейинги йиллар у ерда икки хайит намозларини бекиниб ўқир эдик.

Саксонинчи йилларнинг ўрталари эди. Гўрков майитни қўйиш учун қабристоннинг бир жойини қовлаганида, бир жасад чиққан. У қандай қўйилган бўлса, шундайлигича турганига биз ҳам гувоҳ бўлганмиз. Кафан тўр сетка қаби гира-шира қилиб майитни тўсиб турарди. Тезликда қабр оғзини беркитишни маслаҳат бердик. Кейинчалик, бу ерга қачон қимлар қўмилганини суриштирганимизда, иккинчи жаҳон уруши йилларида етим болаларни тарбиялаб олган бир онанинг жасади бўлиши керак, деган тахминларга бордик. Эҳтимол шундайдир. Бироқ бу ернинг олдиндан қабристон ўрни бўлганининг бу ҳам бир тасдиғидир.

Алланазаров Абдуазим (“Умид” маҳалласи раиси):

Мен эсимни таниганимдан буён “Пул емас ота” қабристонини биламан. Раҳматли додамлар бу ерга улугларнинг қадами теккан. “Пул емас ота” қабристони олти-етти асрлик тарихга эга, қадимий жойлар, дердилар. Ёшлигимизда кичик хонакоҳ ёнидаги кенг майдонда хайит намозига чиққанларим, амакилар ширинлик тарқатишгани элас-элас ёдимда. Юртимиз истиклолга эришгач, 1992 йили маҳалла фаоллари иштирокида Маърупов Абдулатиф хожи бошчилигида янги масжид барпо этилди. “Маҳмур”, “Умид”, “Мирзо Улугбек” ва “Бешбола” маҳаллалари ҳудудидаги намозхонларнинг диний маросимларининг адо этилишида ушбу масжиднинг ўрни бекиёс. Масжидни қайта қуришга раҳбарият хайрихоҳ эканини эшитиб, жуд хурсанд бўлдим. Чунки кейинги пайтларда жума ва жаноза бўлган кунлари масжид хонакоҳи намозхонларга бироз торлик қилмоқда. Айниқса, икки хайит байрам намозларида одамлар сивишмасдан қабристон ичига қириб, ўтган аждодларимизнинг хоқини оёқости қилиш ҳоллари кўп такрорланмоқда.

"Пул емас ота" хакида эшитганмисиз

Муаллиф:

10.06.2014 17:02 -

Абдулвохид Ўразов